

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг
2023 йил иккинчи ярим йиллигига амалга оширган ишлари тўғрисида
АХБОРОТ**

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси¹ 2023 йил иккинчи ярим йиллигига ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Сайлов кодекси, “Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида”ти Қонун ва бошқа қонун хужжатларида белгиланган ваколатлари ва зиммасига юклатилган вазифалар ҳамда Комиссиянинг 2023 йил 21 июлдаги 1321-сон қарори билан тасдиқланган Марказий сайлов комиссиясининг 2023 йил иккинчи ярим йилликка мўлжалланган иш режасига асосан ташкил этди ва амалга оширди.

Марказий сайлов комиссияси фаолиятининг асосий йўналишлари ва 2023 йилдаги устувор вазифалари келиб чиқиб, шунингдек 2023 йил иккинчи ярим йиллигига мўлжалланган Тадбирлар режаси ижросини таъминлаш мақсадида қуидагилар амалга оширилди.

1. АРАЛАШ (ПАРАЛЛЕЛ) САЙЛОВ ТИЗИМИГА ЎТИШ ҲАМДА ЯНГИ ТАХРИРДАГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИГА АОСАН МАРКАЗЛАШГАН САЙЛОВ ОРГАНЛАРИ ТИЗИМИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ ТИЗИМИНИ МАҚБУЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА АЙРИМ ҚОНУН ХУЖЖАТЛАРИГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШНИ НАЗАРДА ТУТУВЧИ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ ИШЛАБ ЧИҚИЛИБ, ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИГА ТАҚДИМ ЭТИЛДИ.

Мазкур қонун лойиҳасида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан 2023 йилда ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдумини ҳамда муддатидан илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ташкил этиш ва ўтказиш жараёнлари таҳлили натижасида ишлаб чиқилган қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар ҳам ўз аксини топди.

Ушбу лойиҳа Қонунчилик палатаси томонидан 2023 йил 31 октябрда “Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун хужжатларига сайлов ва референдум ўтказиш тартибини янада такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ти Конституциявий қонуни сифатида қабул қилинди. Сенат томонидан 2023 йил 24 ноябрда мазкур Конституциявий қонун маъқулланди ҳамда 18 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзоланди.

МСК аъзолари ва Котибият ходимлари 2023 йил октябрь-ноябрь ойларида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун хужжатларига сайлов ва референдум ўтказиш тартибини янада такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ти қонун лойиҳасининг мазмун-моҳиятини аҳолига етказиш учун ташкил этилган ишчи гурӯхлари таркибида республиканинг барча худудларида тарғибот тадбирларида фаол қатнашдилар.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан 2023 йилда ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдумини ҳамда

¹ Матнда “Марказий сайлов комиссияси” ўрнига “Комиссия” ва “МСК” қисқартмалари ҳам қўлланилади.

муддатидан илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ташкил этиш ва ўтказиш жараёнлари таҳлил қилинди. Бунда сўровнома асосида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг таклифлари ҳам ўрганилди. Амалга оширилган таҳлиллар асосида умумлаштирилган маълумотнома ва сайлов жараёнларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди. Мазкур таклифлар юқорида қайд этилган қонунда ҳамда ишлаб чиқилаётган МСКнинг ҳужжатларида ҳисобга олинди.

3. Комиссияга Норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини ишлаб чиқиш ва келишишнинг ягона электрон тизими орқали давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари томонидан тақдим этилган 1 та қонун лойиҳаси, 2 та Олий Мажлиси Сенати ҳамда Конунчилик палатасининг қарорлари лойиҳаси ва 1 та Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси кўриб чиқилди ва улар бўйича Марказий сайлов комиссиясининг хулосалари ўрнатилган тартибда тақдим қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2022 йил 20 майда тасдиқланган 2022–2023 йилларга мўлжалланган норматив-хуқуқий ҳужжатларни гендер-хуқуқий экспертизадан ўтказиш режасига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг нормалари тўлиқ гендер-хуқуқий экспертизадан ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 8 майдаги ПФ–67-сон Фармони билан тасдиқланган Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан келиб чиқадиган вазифаларни амалга ошириш бўйича чоратадбирлар дастурининг 89-бандига асосан Марказий сайлов комиссияси фаолиятига оид қонуности ҳужжатлари янги таҳрирдаги Конституцияга мувофиқлиги юзасидан хатловдан ўтказилди. Хатлов натижасида янги таҳрирдаги Конституцияга мувофиқ қайта кўриб чиқилиши лозим деб топилган Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 августдаги 630-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Сайловчиларининг ягона электрон рўйхатини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низом юзасидан тегишли таклифлар Адлия вазирлигига юборилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг 2022 йил 19 декабрдаги қўшма қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида Ногиронлар хукуқлари тўғрисидаги конвенцияни амалга ошириш бўйича 2023–2025 йилларга мўлжалланган Миллий ҳаракатлар режасига асосан БМТнинг Ногиронлар хукуқлари тўғрисидаги Конвенцияси қоидаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилиги ногиронлиги бўлган шахсларнинг ўз сиёсий хукуқларини амалга оширишда иштирок этиш механизмлари (сайлов хуқуки) мавжудлиги бўйича таҳлил қилинди.

4. Ўзбекистон Республикаси референдуми ва муддатидан илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови даврида маҳаллий ва хорижий (халқаро) кузатувчилар, оммавий ахборот воситалари вакилларини аккредитациядан ўтказиш, уларнинг референдум ва сайловдаги фаолияти бўйича

таҳлилий ўрганишлар ўтказилди. Ўрганишлар натижасига кўра аккредитация тартибини такомиллаштириш бўйича МСКнинг тегишли ҳужжатлари лойиҳалари ишлаб чиқилиши ва мазкур жараёнларни рақамлаштириш ишлари амалга оширилиши режалаштирилди.

5. Ўзбекистон Республикаси референдуми ва муддатидан илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови яқунлари бўйича Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бюросининг якуний хulosалари ва улардаги тавсиялар масъул вазирлик, идоралар ва жамоат ташкилотлари билан биргаликда таҳлил қилиниб, тегишли таклифлар ишлаб чиқилди.

6. Ўзбекистон Республикаси референдуми ва муддатидан илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш даврида участка сайлов комиссияси аъзоларини ўқитиш жараёнлари мутасадди вазирлик ва идоралар, шунингдек миллий эксперталар билан бирга танқидий таҳлил қилинди. Таҳлил натижалари ҳамда ЕХХТ ДИИХБ якуний хulosаларига асосан сайлов комиссиялари аъзоларини тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича тегишли концепция лойиҳаси ишлаб чиқилди.

7. МСК ишчи гурӯҳи томонидан 5-21 сентябрь кунлари Хоразм вилояти, Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд вилояти ва Тошкент шаҳрида ҳалқ депутатлари вилоят (туман ва шаҳар) Кенгашлари депутатларининг бўшаб қолган ўринларига сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш амалиёти ҳамда ушбу ҳудудларда сайлов жиҳозларининг сақланиш ҳолати бўйича ўрганишлар олиб борилди. Ўрганиш натижалари жорий йилнинг 28 сентябрь куни Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлисида атрофлича муҳокама қилинди.

Ўрганиш натижалари бўйича маълумотномада кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш ҳамда ундан келиб чиқадиган вазифалар бажарилишини таъминлаш тўғрисида МСК қарори қабул қилиниб, ижро учун масъулларга юборилди.

8. “E-Saylov” ахборот тизимини жорий этиш бўйича техник-топшириқ ишлаб чиқилди ҳамда мутасадди ташкилотларнинг эксперт хulosалари олинди.

9. СЖБАТда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича турли даражадаги сайлов комиссиялари аъзоларининг, хусусан 2023 йилда бўлиб ўтган Президент сайлови бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ташкил этилган ОСК ва УСКлар аъзоларининг маълумотлар базаси яратилди.

10. 2023 йил ноябрь ойида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг ҳудудий бошқармалари билан биргаликда ҳудудларда сақланаётган сайлов жиҳозларини қайта тўлиқ хатловдан ўтказилди. Хатлов натижалари бўйича сайлов жиҳозлари ҳақидаги маълумотлар базаси янгиланди.

11. Хорижий давлатлар сайлов органлари таклифига кўра Марказий сайлов комиссияси аъзолари ва Котибият ходимларининг сайлов ва референдумларни кузатиш ва мониторинг қилишда иштироки таъминланди:

- 9 сентябрь куни Мальдив Республикаси Президенти сайлови;
- 17 сентябрь куни Арманистон Республикасида Ереван шаҳар оқсоқоллар Кенгаши сайлови;

- 30 октябрь куни Филиппин Республикасида қуи маъмурий бирликлари раислари ва кенгашларига ҳамда ушбу маъмурий бирликлари ёшлар кенгашларига сайловлар;

- 5 ноябрь куни Молдова Республикасида умумий маҳаллий сайловлар.

Шунингдек, МСК Котибияти ходимлари ЕХХТ ДИИҲБ миссиялари таркибида 1-9 ноябрь кунлари Молдова Республикасида умумий маҳаллий сайловларда, 13-21 декабрь кунлари Сербияда муддатидан илгари Парламент сайловида қузатувчи сифатида иштирок этишди.

МСК раҳбарияти ва аъзолари бир қатор ҳалқаро анжуман ва тадбирларда Ўзбекистон сайлов тизимиға оид тақдимот ва маъruzалар билан иштирок этишди:

- 2-13 октябрь кунлари Варшава шаҳрида (Польша) ЕХХТ минтақасида инсон ҳуқуqlари ва асосий эркинликлари соҳасидаги ҳолатларни муҳокама қилишга бағишиланган “Инсоний ўлчовлар” конференциясида;

- 25-26 октябрь кунлари Батуми шаҳрида Грузия Марказий сайлов комиссияси томонидан ташкил этилган сайлов органларининг 11-учрашувида ва “Сайловларда АҚТ ва АҚТ билан боғлиқ дезинформация” мавзусидаги ҳалқаро конференцияда;

- 7-8 декабрь кунлари Остона шаҳрида Қозогистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 30 йиллигига бағишиланган тадбирлар ҳамда “Конституциявий ислоҳотлар ва сайлов тизими” мавзусидаги ҳалқаро илмий-амалий конференциясида.

12. МСК Раисининг 7-8 декабрь кунлари Қозогистонга бўлган ташрифи доирасида Қозогистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси билан Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиялари ўртасида ўзаро Англашув меморандуми имзоланди.

Беларусь Республикаси Марказий сайлов комиссияси ва Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ўртасида ҳамкорлик меморандуми лойиҳаси ўрнатилган тартибга кўра мутасадди идоралар билан келишилди.

13. Ўзбекистон Республикаси ташаббуси билан тузилган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатлар сайлов органлари раҳбарлари маслаҳатлашув кенгашининг II йиғилиши 20 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раислигида видеоконференцалоқа форматида ташкил этилди ва ўтказилди.

14. МСК фаолиятининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлаш мақсадида Матбуот хизмати томонидан 2023 йил иккинчи ярим йилликка мўлжалланган медиа-режа ишлаб чиқилди ва ижрога қаратилди.

Марказий сайлов комиссияси веб-сайтининг янги версияси ҳамда вилоят сайлов комиссияларининг расмий веб-сайтини ишга туширилди ва зарур маълумотлар билан тўлдирилди.

“Шарҳ+” лойиҳасининг 2 та сони тайёрланиб улар интернет тармоқлари орқали эълон қилинди. Унга кўра, лойиҳанинг навбатдаги сонларида “Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига сайлов ва референдум ўтказиш тартибини янада такомиллаштиришга қаратилган

ўзгаришиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Конституциявий қонун лойиҳаси умумхалқ муҳокамасига тақдим этилганлиги муносабати билан сайлов тизимиға киритилаётган ўзгаришлар ҳамда сайлов жараёнларига оид масалаларга эътибор қаратилди.

“Форматдан ташқари” лойиҳасининг 2 та сони тайёрланиб, интернет тармоқлари орқали эълон қилинди. Лойиҳанинг навбатдаги сонларида BRIDGE дастури ҳакида, сайловларда аҳолининг иштирокини ошириш мақсадида иштирокчиларни ўқитиш ҳамда гендер тенгликни таъминлаш учун амалга ошириладиган ишлар хусусида шунингдек, “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига сайлов ва референдум ўтказиш тартибини янада такомиллаштиришга қаратилган ўзгаришиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Конституциявий қонун лойиҳасида кўзда тутилган ўзгаришлар, уларнинг мазмун-моҳиятига бағишлиланган сұхбатлар ташкил этилди.

МСК фаолиятини расмий веб-сайт ҳамда ижтимоий тармоқларида кенг ёритиб бориш, сайловчиларнинг электорал маданиятини ошириш мақсадида – Марказий сайлов комиссияси расмий веб-сайтига Комиссия фаолиятига доир жами 195 та (59 та янгилик, 11 та қарор, 125 та фото, 47 та видео) ахборот жойлаштирилди. МСКнинг ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларига жами 436 та (YouTube видео хостингида – 23 та видео материал, Фейсбуқ ижтимоий тармоғида – 114 та пост, Твиттер ижтимоий тармоғида – 51 та твит, Инстаграм ижтимоий тармоғида – 100 та пост ва 34 та медиаҳикоя (story), Телеграм мессенжерида – 114 та пост) ахборот жойлаштирилди. Шунингдек, МСК мажлислари YouTube видеоХостинги орқали жонли эфирга узатиб борилди.

15. Жисмоний ва юридик шахсларнинг МСКга келиб тушаётган мурожаатларини “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ кўриб чиқилиши таъминланди.